

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.72.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМОНОВА ЗИЛОЛА АБДУРАХМОНОВНА

**ФЕРРОЦЕН ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДА КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАР
СИНТЕЗИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Сулаймонова Зилола Абдурахмоновна

Ферроцен ҳосилалари асосида комплекс бирикмалар синтези ва хоссалари ... 3

Сулаймонова Зилола Абдурахмоновна

Синтез комплексных соединений на основе производных ферроцена и их свойства 21

Sulaymonova Zilola Abduraxmonovna

Synthesis of complex compounds based on ferrocene derivatives and their properties 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.72.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМОНОВА ЗИЛОЛА АБДУРАХМОНОВНА

**ФЕРРОЦЕН ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДА КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАР
СИНТЕЗИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/К307 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) га жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Умаров Бақо Бафоевич кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Кадинова Зухра Чингизовна кимё фанлари доктори, доцент Хусенов Қахрамон Шайимович Кимё фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон миллий университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12/2019.К.72.01 рақамли Илмий кенгашнинг « 9 » апрель 2022 йил соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 121 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12.

Диссертация автореферати 2022 йил « 25 » 03 куни таркатилади.
(2022 йил « 25 » 03 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



Х.Б. Дўстов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Қ.Ғ. Авезов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, PhD

М.Р. Амонов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ферроцен кимёси жадал суръатларда ривожланишда давом этмоқда. Ферроцен ҳосилалари қўлланиш соҳаларининг кенглиги унинг хоссалари билан боғлиқ. Ферроцен ҳосилалари асосида хемо- ва биосенсорлар, редокс-фаол ДНК-маркерлар, редокс нишонлар, “ақлли ойналар”, “ақлли соатлар”, магнит ва оператив хотирани конструкцион материали ва суюқ кристалл хоссага эга бўлган материаллар, турникетлар, молекуляр магнетиклар, қуёш батареялари, тиббиётда рак, микроблар ва анемияга қарши воситалар, электрокимёвий глюкометрлар, суюқ-кристалл индикаторлар ва бошқалар ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда сўнгги йилларда ферроценнинг карбон кислота гидразонлари асосида янги комплекс бирикмалар синтези ва тузилишини ўрганиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этишга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, таркибида мис, темир, никель ва рух каби биометалларни ўз ичига олган янги комплекс бирикмалардан ўсимликнинг ўсишини тезлаштирадиган ва ҳосилдорликни оширадиган комплекс бирикмаларнинг мақсадли синтез қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида маҳаллий хомашё асосида янги турдаги самарали, импорт ўрнини босувчи, арзон маҳсулотлар яратиш ва амалиётга жорий этишда муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясида¹ «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш», «принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш» ва «мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борадаги маҳаллий хомашёлар асосида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширувчи янги турдаги стимуляторлар ишлаб чиқариш, кўплаб металл тузларининг органик лигандлар билан комплекс бирикмалари синтез қилиш, комплексларнинг тузилиши, электрон структураси, реакция қобилияти, физик-кимёвий хоссалари, биологик фаоллигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг кимё саноатини тезкор ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3983 қарори, 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишлари” ПФ-4947 фармони ва 2017 йил 23 августдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

“2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида” ги ПҚ-3236 қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг етакчи олимлари Ферроцен сақловчи комплекс бирикмаларнинг синтези, таркиби ва тузилишини, реакцион ва биологик фаоллигини ўрганиш бўйича тадқиқот олиб бормоқдалар.

Чет эл мамлакатларида бу йўналиш Moriuchi T., Hirao T., Miller S.A., Tebboth J.A., Tremaine J.F., Ochi Y., Suzuki M., Imaoka T., Murata M., Nishihara H., Einaga Y., Yamamoto K., Sudhir S., Kumar N., Chandrasekaran S., Abdelzاهر M.M., Chohan Z.H., Praveen M., Valaa H. Mahmud, Gehad G. Mohamed., Lee S.M. ва бошқа таниқли кимёгар олимлар томонидан ривожлантирилди. Ферроценнинг координацион бирикмалари кимёсини ривожлантиришда МДХ нинг бир қатор олимлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Бугунги кунга келиб, ферроцен ҳосилалари асосида комплекс бирикмалар синтези бўйича жуда кўп маълумотлар тўпланган. Бу йўналишда Несмеянов А.Н., Несмеянов Н.А., Кочеткова Н.С., Перевалова Э.Г., Вильчевская В.Д., Снегур Л.В., Коган В.А., Зеленцов В.В., Яблоков Ю.В., Ракитин Ю.В., Новоторцев В.В. каби россиялик олимларнинг ишлари диққатга сазовордир.

Республикада мазкур йўналиш акад. Парпиев Н.А., Азизов М.А., Шарипов Х.Т., Умаров Б.Б., Тураев Х.Х., Махсумов А.Г., Аскарлов И.Р., Жураев А.М., Киргизов Ш.М., Кадирова Ш.А., Кадирова З.Ч. каби таниқли олимлар томонидан ривожлантирилди. Аскарлов И.Р. томонидан яратилган мактабда ферроценкарбон кислоталар, уларнинг ишқорий металллар билан тузлари ва гетеробиметалл оксоцентрик комплекс бирикмалар билан карбон, аминокарбон ҳамда ферроцен карбон кислоталари синтези, тузилиши ва турли хоссалари, айниқса, биостимуляторлик хоссалари тадқиқ қилинмоқда.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ферроцен фрагменти тутган моно- ва β-дикарбонил бирикмалар гидразонларининг таутомерияси тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ эмас ва уларнинг комплекслари эса етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф7-20. Кимё, кимёвий технологияларнинг назарий асослари, нанотехнологиялар дастури «Кетоальдегид ва кетоэфирларнинг ҳосилалари ва комплекслари; уларнинг тузилиши ва хоссалари» (2012-2016 йй) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ферроценнинг моно-, β-дикарбонил ҳосилалари билан моно-, дикарбон кислота гидразон ҳамда дигидразонлари каби органик лигандлар, улар асосида Ni(II), Cu(II), Zn(II) ионларининг комплекс бирикмаларини синтез қилиш, уларнинг тузилиши ва хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ферроцен тутган моно-, β-дикарбонил бирикмалар моно- ва дикарбон кислота гидразид, дигидразидлари билан конденсатланиш реакцияларини ўтказиш ҳамда эритмада ва қаттиқ ҳолатда турли таутомер шакллари ўрганиш;

янги лигандлар билан оралик металлларнинг моно- ва биядроли комплекс бирикмаларининг синтез усулларини яратиш;

илк бор синтез қилинган бирикмаларнинг таркиби, тузилиши замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида таҳлил қилиш;

синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг физик-кимёвий ва биофаоллик хоссаларини ўрганиш;

экспериментал маълумотлар, назарий ва амалий тадқиқотлар асосида комплекс бирикмаларнинг қўлланилиши бўйича амалий кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гидразон ва дигидразонлар— ферроценнинг моно-, β-дикарбонил ҳосиларининг моно-, дикарбон кислота гидразид ва дигидразидлари билан конденсатланиш маҳсулотлари, шунингдек улар асосидаги Ni(II), Cu(II) ва Zn(II) комплекс бирикмалари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети янги органик лигандлар синтези, таутомерияси, тузилиши, комплекс ҳосил қилиши ва олинган комплекс бирикмаларнинг биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда элемент, рентгенфазавий ва дифференциал- термик таҳлиллар, ЭЮС, ИҚ-, ¹H ва ¹³C ЯМР спектроскопия усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ферроценнинг моно- ва β-дикарбонил ҳосилалари билан моно-, дикарбон кислота гидразон ҳамда дигидразонларини олиш усуллари ишлаб чиқилган. 12 та янги органик лиганд ва улар асосида 36 та Ni(II), Cu(II) ва Zn(II) ионларининг комплекс бирикмалари синтез қилинган;

янги комплекс бирикмалар хромофорларнинг d-π типига кириши ва тор соҳали яримўтказгич хусусиятини намоён қилиши аниқланган;

Ni(II), Cu(II), Zn(II) ионларининг ацетатли тузларини ферроценнинг моно- ҳамда β-дикарбонил ҳосилалари билан комплекс бирикмаларининг термик барқарорлиги Ni(II)<Zn(II)<Cu(II) қаторида ортиб бориши исботланган;

Ni(II), Cu(II), Zn(II) ва Fe(II) каби микроэлементларни сақловчи ғўзанинг ўсиши, етилишини тезлаштирувчи ҳамда ҳосилдорлигини оширувчи янги самарали стимуляторлар яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ферроцен моно- ва β -дикарбонил ҳосилаларининг Ni(II), Cu(II), Zn(II) ионлари билан комплекс бирикмалари синтезининг оптимал шароитлари аниқланган;

бирикмаларнинг тури, лигандлар координацияси, марказий ион табиати каби физик-кимёвий хоссалар орасидаги узвийликнинг ўзига хослиги исботланган;

ферроцен ҳосилалари асосида олинган Ni(II), Cu(II) ва Zn(II) комплекс бирикмаларининг биологик фаоллиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ферроцен ҳосилалари гидразон ва дигидразонларининг тузилиши ва комплекс ҳосил қилиш хусусияти рентгенфазавий таҳлил, ЭЮ-, ИҚ-, ^1H ва ^{13}C ЯМР спектроскопия сингари замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида исботланганлиги, олинган натижаларни илмий нашрларда эълон қилинганлиги, амалий натижаларни ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ферроценнинг моно- ва β -дикарбонил бирикмалари гидразон ҳамда дигидразонларининг оралиқ металллар – Ni(II), Cu(II) ва Zn(II) билан комплекс бирикмалари синтез қилишнинг оптимал шароитлари аниқланганлиги ва координацион бирикмалар амалий кимёсини бойитганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ni(II), Cu(II) ва Zn(II) ионларининг ферроценоилацетоннинг монокарбон кислота гидразонлари билан комплекс бирикмалари қишлоқ хўжалиги экинларини ўстирувчи, ҳосилдорлигини оширувчи стимуляторлар ва фунгицидлар сифатида тавсия этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ni(II), Cu(II) ва Zn(II) нинг ферроцен β -дикарбонил ҳосилалари билан янги комплекс бирикмаларининг синтези, таркиби, тузилиши, физик-кимёвий ва биофаоллик хоссаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ФК-1 ($\text{NiL}^5 \cdot \text{NH}_3$), ФК-2 ($\text{ZnL}^6 \cdot \text{NH}_3$) ва ФК-3 ($\text{CuL}^7 \cdot \text{NH}_3$) препаратлари Бухоро шаҳар “Наврўз Ҳамза” фермер хўжалигининг далаларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 29 октябрдаги №02/025-4426-сон маълумотномаси). Натижада препаратлар билан ишлов берилган ғўза чигитларининг униб чиқиш муддати назорат вариантыга нисбатан ўртача 9,1-12,78% га, кўсақларнинг очилиш вақти ҳам ўртача 3,50-5,6% га тезлашиш имконини берган;

синтез қилинган таркибида азот ҳамда ўсимликлар учун ҳаётий муҳим Ni(II), Cu(II), Zn(II) ва Fe(II) каби микроэлементларни тутган комплекс бирикмалар Бухоро шаҳар “Наврўз Ҳамза” фермер хўжалигининг далаларида ғўзага уч томонлама таъсир этувчи (ўсишини тезлаштирувчи, фитоимунитетини мустаҳкамловчи, замбуруғли ва бактериал фитопатогенларга қарши таъсир этувчи) препарат сифатида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 29 октябрдаги №02/025-4426-сон маълумотномаси). Натижада

ФК-1, ФК-2 ва ФК-3 препаратлари таъсирида ғўзанинг фузариоз вилът касаллигига чалиниши назорат майдонига нисбатан ўртача 5,4-11% га камайган, ҳосилдорликни ўртача 2,34-3,96 ц/га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та конференцияда, жумладан, 2 та халқаро ва 9 та Республика анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 3 таси чет эл журналларида ва 3 таси Республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, 202 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, ҳажми 107 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объектлари ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истикболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ферроцен ҳосилаларининг синтези ва хоссалари”** деб номланган биринчи бобида ушбу мавзудаги адабиётлар таҳлил қилинган, олинган маълумотлар умумлаштирилган ва илмий хулосалар қилинган. Адабиётларнинг таҳлили натижасида мазкур ишнинг мақсади, вазифалари ва долзарблиги асосланган.

“Ферроцен ҳосилаларининг 3d-металлар билан комплекс бирикмалар синтези ва уларни тадқиқот усуллари” номли иккинчи бобда олинган бирикмаларининг синтези ва тузилишини аниқлашнинг элемент, дифференциал-термик ва рентгенфазавий таҳлил, ИҚ-, ^1H ва ^{13}C ЯМР спектроскопия каби усуллари келтирилган.


Диссертациянинг **“Ферроцен ҳосилалари лигандлари ва улар асосида олинган оралиқ металлларнинг комплекс бирикмалари тадқиқоти”** номли учинчи боби олинган натижалар муҳокамасига бағишланган. Моно- ва дикарбон кислота гидразон, дигидразонлар ва уларнинг комплекс бирикмаларининг синтези, тадқиқот усуллари ёрдамида таҳлили ва уларнинг қўлланилиши келтирилган. Лигандларнинг тузилиши, Cu(II) , Ni(II) ва Zn(II) ионлари билан комплекс ҳосил қилиши тўғрисида хулосалар қилинган.

Ферроцен фрагментини ўз ичига олган хелат ҳосил қилувчи бидентат лигандлар қаторини кенгайтириш мақсадида моноацетилферроцен (МАФ) ва сирка, бензой, фенилсирка кислота ҳамда тиосемикарбазид билан абсолют этанолдаги эритмалари 1:1 моль нисбатда конденсатланишидан янги органик лигандлар HL^1 - HL^4 синтез қилинди.



$X=O$: $R=CH_3$ (HL^1), C_6H_5 (HL^2), $C_6H_5-CH_2$ (HL^3); $X=S$, $R=NH_2$ (HL^4).

Лигандлар молекулада гидразон фрагментининг бўлиши таутомерия учун кенг имкониятларни яратади. Ушбу лигандлар гидразон шаклдаги икки хил конфигурация $ZE^I Z^II$ (А), $ZE^I E^II$ (Б) ҳосил қилиш эҳтимоллиги юқори, комплекс ҳосил қилиш жараёнида эса α -оксиазин (В) шаклда таъсирлашади:




Барча лигандларнинг ИҚ спектрларида $N-N$, $C-N$, $C=N$, $C-H$ ва $N-H$ боғларининг ν_s ва ν_{as} валент тебранишларига тегишли 1040-1080, 1285-1300, 1535-1600, 2975-3035 ва 3180-3270 cm^{-1} соҳада сигналлар қайд этилди. МАФ ИҚ спектридаги $C=O$ боғининг валент тебранишларига хос 1630 cm^{-1} соҳадаги интенсив сигнал йўқолиб, 1530-1600 cm^{-1} соҳада азометин боғи сигналлари пайдо бўлди. HL^4 лиганднинг тиосемикарбазон фрагментидаги $C=S$ ва NH_2 боғларининг валент тебранишлари мос равишда 850, 3390 cm^{-1} соҳаларда қайд этилди. 465-505 cm^{-1} соҳадаги интенсивлиги ўртача сигналлар эса ферроцен фрагменти циклопентадиенил ҳалқаларининг валент тебранишларига тегишлидир. Лигандларнинг ИҚ спектр таҳлил натижалари улар асосан гидразон А шаклда бўлишини кўрсатди.

Шунингдек, 1H ва ^{13}C ЯМР спектроскопия натижалари лигандларнинг ДМСО- d_6 эритмасидаги тузилиши ҳам гидразон шаклда эканлигини кўрсатади. HL^4 лиганд молекуласининг $N-H$ боғларига тегишли интенсивлиги паст сигналнинг δ 9,89 м.х. кучсиз майдонда қайд этилиши юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Спектрда δ 2,14 ва 3,13 м.х. да синглет сигналлар метил ва аминогуруҳга, δ 4,12; 4,31; 4,75 м.х. даги мультиплет

сигналлар эса ферроцен фрагментининг стереокимёвий ноэквивалент сигналларига тегишлидир.

Таутомерланиш, конфигурацион ва геометрик изомерланиш ҳамда ҳаракатчан водороднинг металлга осон алмашина олиши ушбу лигандларнинг комплекс ҳосил қилиш имкониятини кенгайтиради. HL^1 - HL^4 лигандларнинг этанолдаги эритмалари, $Cu(II)$, $Ni(II)$ ва $Zn(II)$ ацетатларининг сув-аммиакли эритмалари 2:1 моль нисбатда аралаштириб, комплекс бирикмалар синтез қилинди:



$M = Cu(II), Ni(II), Zn(II)$


$X=O$: $R=CH_3$ ($CuL^1_2, NiL^1_2, ZnL^1_2$), C_6H_5 ($CuL^2_2, NiL^2_2, ZnL^2_2$), $C_6H_5CH_2$ ($CuL^3_2, NiL^3_2, ZnL^3_2$); $X = S, R = NH_2$ ($CuL^4_2, NiL^4_2, ZnL^4_2$).

Элемент таҳлил натижалари асосида комплекслар ML_2 умумий формулага мос келиши аниқланди. Лигандларнинг марказий ион атрофида координациясини ўрганиш мақсадида комплексларнинг ИҚ спектрлари олинди. Спектрлар таҳлили уларнинг тузилиши бир-бирига мос келишини кўрсатади. Аммо $Zn(II)$ ионларининг қолган ионларга нисбатан координацион барқарорлиги юқори бўлганлиги сабабли ютилиш чизиқлари юқори частотали соҳага силжийди. Барча комплексларнинг спектрларида $\nu_{(N-H)}$ боғи валент тебранишларига тегишли 3270 см^{-1} сигналлар кузатилмади. Бу эса лигандларнинг комплекс ҳосил бўлиш жараёнида еноллашуви ва депротонлашуви кўрсатади. Комплекслар спектридаги $1535-1550 \text{ см}^{-1}$ соҳадаги ютилиш чизиги $\nu_{(-N=C-O-)}$ системага тегишлидир, $\nu_{(N-N)}$ боғларига хос $1035-1100 \text{ см}^{-1}$ соҳадаги кучсиз сигналлар эса эркин лигандларга нисбатан $20-40 \text{ см}^{-1}$ га юқори частотали соҳага, $\nu_{(C=N)}$ боғининг сигналлари $10-15 \text{ см}^{-1}$ га қуйи частотали соҳага силжийди. Бу эса азометин боғидаги азот атоми ҳам координацияга қатнашишини кўрсатади.

Олинган $Ni(II)$ ва $Zn(II)$ комплекслари турли эритмаларда диамагнит хоссани намоеён қилди. Бу эса уларни 1H ва ^{13}C ЯМР спектроскопия усулида ўрганиш имконини яратди. Диамагнитлик ва ЯМР спектр натижалари таҳлили комплексларнинг текис-квадрат тузилишини кўрсатади. NiL^2_2 комплексининг 1H ЯМР спектрида иккита метил гуруҳлари протонларининг (6H) синглет сигналлари $\delta 1,65$ м.ҳ. да, бензгидразид фрагменти фенил ҳамда сэндвичдаги циклопентадиенил ҳалқаларининг мультиплет сигналлари тегишлича $\delta 7,40-7,65$ ва $4-5$ м.ҳ да қайд этилди. Таъкидлаш лозимки, метил


гурухи сигналларининг кучли майдонга силжиши (δ 1,65), фикримизча, d- π -типидаги датив боғларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқдир.

Ферроцен гидразонларининг тузилиши ва реакция қобилиятини ўрганиш, уларнинг таутомерияси ва комплекс бирикма ҳосил қилиш қобилиятини кўрсатиш учун дастлаб моноацетилферроцендан Кляйзен конденсатланиш реакцияси ёрдамида 1-ферроценилбутандион-1,3 (ферроценоилацетон) синтези амалга оширилди:




III

Ферроценоилацетон ва монокарбон кислота гидразидларининг спиртли эритмаларининг эквимольяр миқдорда ўзаро таъсирлашувидан янги лигандлар H_2L^5 - H_2L^{11} синтез қилинди. Элемент ва спектрал анализ маълумотларига кўра, ферроценоилацетоннинг 3-углерод атоми карбонили билан конденсатланиш маҳсулотлари ҳосил бўлади:



X=O: R=CH₃ (H_2L^5), C₆H₅ (H_2L^6), *m*-NO₂-C₆H₄ (H_2L^7), *n*-NO₂-C₆H₄ (H_2L^8), 2-OH-5-Br-C₆H₃ (H_2L^9), C₆H₅CH₂ (H_2L^{10}); X=S, R=NH₂, (H_2L^{11}).

Олинган бирикмаларда гидразон гурухининг мавжудлиги таутомерия учун кенг имкониятларни яратади. Улар учун энг камида 3 хил: гидразон (А), энгидразин (Б) ва циклик пиразолин (В) таутомер шаклларнинг ҳосил бўлиш эҳтимоллиги юқоридир.



Янги органик лигандлар таркиби ва тузилиши элемент, дифференциал-термик ва рентгенофаз тахлиллар, ИҚ, ^1H ва ^{13}C ЯМР спектроскопия натижаларига кўра исботланди. ИҚ спектрнинг қисқа тўлқинли $480\text{-}505\text{ см}^{-1}$ соҳасидаги интенсивлиги паст ферроценил ҳалқаларига тегишли иккита ютилиш чизиғи HL лигандлар билан таққослаганда деярли ҳолати ўзгармади. $1655\text{-}1680\text{ см}^{-1}$ атрофидаги валент тебранишлари $\text{C}=\text{O}$ боғлари ва $3190\text{-}3278\text{ см}^{-1}$ соҳада кузатиладиган $\nu_{(\text{N-H})}$ боғининг тебранишларига хос сигналларнинг борлиги кристалл ҳолатда гидразон (А) тузилишга эга эканлигидан далолат беради. $\text{H}_2\text{L}^5\text{-H}_2\text{L}^{11}$ эритмадаги ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрлари натижаларига кўра эритмада ҳам асосан гидразон шаклда (А) бўлиши аниқланди. H_2L^6 лиганд спектрида гидразон тузилишга мос келадиган сигналлар кузатилди, метил, метилен ва N-H боғининг протонларига тегишли сигналлар δ 2,67; 4,60 ва 11,45 м.х. да қайд этилди (1-жадвал).


1-жадвал.

Ферроценоилацетон гидразонларининг $\text{H}_2\text{L}^5\text{-H}_2\text{L}^{11}$ $\text{DMCO-d}_6+\text{CCl}_4$ эритмасидаги ^1H ЯМР спектри параметрлари


Бирикма	CH_2	CH_3	C_6H_5	Fc
H_2L^5	3,58	2,05	–	4,99; 4,55; 4,18
H_2L^6	4,602	2,67	7,10; 7,76; 8,05	4,23; 4,27; 4,87
H_2L^7	2,12	2,83	7,45; 7,55; 7,96	4,95; 4,57; 4,31
H_2L^8	3,30	2,58	7,35; 7,56; 8,02	4,78; 4,31; 4,10
H_2L^9	3,56; 3,75	2,40	7,50; 7,95	4,68; 4,38; 4,22
H_2L^{10}	3,02	2,12	–	4,99; 4,55; 4,26
H_2L^{11}	2,12	2,83	–	4,45; 4,57; 4,31

Охириги сигналнинг кучсиз майдонда қайд этилиши Б конфигурация мавжудлигини, N-H ва $\text{C}=\text{O}$ боғлари орасида ички молекуляр водород боғланиш борлигини исботлайди. Эритувчи сифатида $\text{DMCO-d}_6+\text{CCl}_4$ қўлланилганда, бошқа эритувчиларга қараганда гидразон шакл улуши ортади. Циклопентадиенил ҳалқалари протонларининг сигналлари δ 4,23; 4,27; 4,87 м.х. да қайд этилди.

H_2L лигандларнинг спиртли эритмалари $M(CH_3COO)_2$ сув-аммиакли эритмалари билан эквимольяр нисбатда таъсирлашуви натижасида $ML \cdot NH_3$ таркибли комплекс бирикмалар олинди. Элемент таҳлил ва спектроскопик тадқиқот натижалари ушбу комплекслар учун қуйидаги моляроли тузилишни таклиф этиш имконини беради:




Комплекс бирикмалар ИҚ спектрларида координацияга учраган аммиак молекулалари симметрик ва антисимметрик валент тебранишларига хос сигналлар $3375\text{-}3380$, $3320\text{-}3330$, $3240\text{-}3250$ ва 3150 cm^{-1} соҳаларда қайд этилди. Шу билан бир қаторда беш, олти аъзоли металл ҳалқаларининг туташ тизими валент ва валент-деформацион тебранишларига хос ўртача ҳамда юқори интенсивликдаги сигналлар $1580\text{-}1585$, $1530\text{-}1540$, $1470\text{-}1480$, $1420\text{-}1430$, $1395\text{-}1400 \text{ cm}^{-1}$ соҳаларда намоён бўлди. Таъкидлаш лозимки, $\text{CuL}^7 \cdot \text{NH}_3$ ИҚ спектрида $\nu_{(\text{C}=\text{N})}$ валент тебраниши (1614 cm^{-1}) эркин лигандга нисбатан ($\nu_{(\text{C}=\text{N})} 1635 \text{ cm}^{-1}$) 21 cm^{-1} га юқори частотали соҳага силжийди. Бу эса лиганд металлга азометин боғи азот ва амид, β -дикетон фрагментларидаги иккита кислород атомлари орқали координацияланишини тасдиқлаш имконини беради (1-расм).




1-расм. $\text{CuL}^7 \cdot \text{NH}_3$ комплексининг ИҚ спектри.

Ni(II) ва Zn(II) комплексларининг хлороформ, ДМФА ва ДМСО каби эритувчиларда яхши эриши уларни ЯМР спектроскопия ёрдамида ўрганиш имкониятини беради. ^1H ва ^{13}C ЯМР спектроскопия натижалари комплекслар текис-квадрат тузилишга эга эканлигини кўрсатди (2-расм).




Адабиётлардаги маълумотларга кўра, бу лигандлар комплекс ҳосил қилиш реакцияларида дикето-, кето-еноль ва диеноль шаклларда, реакцияга эса α -оксиазин шаклда қатнашади. Бу бирикманинг кристалл ҳолатда ИҚ спектрида ҳамда янги тайёрланган $\text{DMCO-d}_6 + \text{CCl}_4$ эритмасида олинган ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларида чизиқли кето-шакл қайд этилди. ^1H ЯМР спектрида 4 протонли кўприкчали иккита $-(\text{CH}_2)-$ гуруҳларининг сигналлари δ 2,74 м.х. да, метил гуруҳ протонлари (6H) δ 1,24 м.х. да кучли майдонда қайд этилди. Иккита ноэквивалент циклопентадиенил ҳалқаларининг протонлари мультиплет сигналлари 4,46 (2H), 4,78 (2H) ва 4,70 (5H) м.х. да кузатилди. N–H гуруҳ протонлари (2H) паст интенсивликдаги синглет сигналлари δ 10,01 м.х. да резонанслашади. 4-5 минутдан сўнг ҳалқали (B) шаклга тааллуқли иккинчи сигналлар мажмуаси намоён бўлади. H_4L^{12} бирикма спектрларининг ўзгариши бир неча кундан сўнг тўхтайтиди ва A, B, B шаклдаги стереоизомерлар орасида мувозанат вужудга келади. Лиганднинг ^{13}C ЯМР спектрида δ 16,83 (CH_3); 39,52; (CH_2); 67,96 ($\text{C}^{2,5}$ Fc); 69,54 ($\text{C}^{3,4}$ Fc); 70,60 (5C Fc); 78,72 (5C Fc); 171,56 ($\text{C}=\text{O}$); 176,36 ($\text{C}=\text{N}$) м.д. да қайд этилди. 171,56 м.х. кучсиз майдонда интенсивлиги паст $\text{C}=\text{O}$ боғи углерод атомига хос сигналнинг борлиги лиганд асосан дикетон шаклда бўлишини тасдиқлайди (3-расм).




3-расм. H_4L^{12} лиганднинг ДМСО- d_6 + CCl_4 эритмасидаги ^{13}C ЯМР спектри.

H_4L^{12} лиганд билан $Cu(II)$, $Ni(II)$ ва $Zn(II)$ ацетатларининг сув-аммиакли эритмалари ўзаро таъсири натижасида элемент таҳлиliga мувофиқ $M_2L^{12} \cdot 2NH_3$ таркибли комплекс бирикмалар синтез қилинди. Комплекс бирикманинг ҳосил бўлиши жараёнида ИҚ спектрларда 456 ва 525 cm^{-1} соҳада $M-N$ ва $M-O$ боғларига тааллуқли янги ютилиш чизиқлари пайдо бўлди. Элемент анализ ва спектроскопик тадқиқотлар натижасида комплекслар қуйидаги (VII) гомобиядроли тузилишга эга эканлиги исботланди:




Ишда синтез қилинган барча моддаларнинг оптик хоссаларини тадқиқоти мақсадида УБ ва кўринадиган соҳаларда ЭЮ спектрлари олинди. Спектрлар таҳлил қилинганда, барча бирикмаларнинг спектрида $417-485 \text{ nm}$ соҳада заряднинг ички молекуляр кўчиши туфайли ферроцен фрагментидаги $\pi-\pi^*$ ҳамда сэндовичдаги Fe атоми $d-d^*$ ўтишлари билан боғлиқ узун тўлқинли ютилиш максимуми кузатилди (4-расм). Хромофор гуруҳ бензол ядросини сақловчи бирикмаларда ароматик ядрога $\pi-\pi^*$ ўтишлар туфайли батохром силжиш билан бирга гиперхром эффектлар намоён бўлиши аниқланди. Бензол ядросига акцептор гуруҳлар киритилганда, (нитро-гуруҳ), гипсохром эффект, ауксохром гуруҳлар киритганимизда, кутганимиздек батохром силжиш кузатилди. Комплекслар ва лигандлар спектрлари таққосланганда,

комплекслар спектрида 250-390 нм соҳадаги экстинкция қиймати юқорилиги қайд этилди ва бу эса металл атомларидаги d-d* ўтишлар билан боғлиқдир. Cu(II), Ni(II) ва Zn(II) комплекслари орасида эса Cu(II) комплексларда экстинкция қиймати энг юқори ва $\epsilon=3,514$ га тенг эканлиги аниқланди (5-расм).



4-расм. H_2L^6 (а) ва H_2L^9 (б) ЭЮ спектрлари.


Ютилиш соҳасининг қизил чегараси ($\lambda_{\text{onset}}^{\text{abs}}$) қийматлари асосида таъқиқланган соҳанинг оптик кенглик қиймати (E_g^{opt}) ҳисобланди ва у 1,39-2,26 эВ оралиғида бўлиши, унга кўра синтез қилинган бирикмалар барчаси тор соҳали яримўтказгич хоссаларини намоиш этиши ҳамда хромофорларнинг d-п типига тааллуқли эканлиги аниқланди.



5-расм. Комплексларнинг ЭЮ спектрларини таққослаш.


Синтез қилинган лиганд ва комплексларнинг таркиб ва хоссаларини ўрганиш дифференциал термик таҳлил ва термогравиметрик усуллар ёрдамида тўлдирилди. Таркибида ферроцен фрагментининг бўлиши T_c ва фазавий ўтишларни аниқлашни қийинлаштиради. Чунки ферроцен бирикмалари рангли бўлиб, ҳарорат кўтарилиши билан ранг интенсивлиги ҳам ортади. Экспериментал ҳисоблашлар асосида олинган маълумотларга таяниб, моддалар термик барқарорлигини 2 хил усулда баҳолаш имконияти пайдо бўлди: биринчи – характеристик T_{10} , T_{20} , T_{50} ҳароратларни аниқлаш, иккинчи – термооксидланиш деструкция жараёни активланиш энергиясини ҳисоблаш орқали. Иккала усул ҳам лигандга нисбатан комплексларнинг термик барқарорлигини кўрсатди. Массанинг максимал камайиш тезлигига тўғри келадиган ҳароратлар ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлади: H_2L^6 лиганд учун $T_{d,\text{max}}=240^\circ\text{C}$, $\text{CuL}^6\cdot\text{NH}_3$ да ушбу ҳарорат 260 ва $\text{NiL}^7\cdot\text{NH}_3$ учун эса 210°C ни ташкил этди. ДТА эгрилигидаги $450\text{-}600^\circ\text{C}$ ҳароратдаги

эффектлар металл оксидларининг ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Комплекс бирикмаларнинг термик барқарорликлари кристалл ва молекуляр тузилишига боғлиқ бўлиб, Ni(II) < Zn(II) < Cu(II) қаторида ортиб бориши аниқланди (6-расм).




6-расм. H_2L^6 (а) ва $CuL^6 \cdot NH_3$ (б) комплексининг термограммалари.

Синтез қилинган моддалар янгилиги ва индивидуаллигини рентгенфаз таҳлил ҳам яна бир бор исботлади. Рентгенограмма таҳлили натижасида комплекслар учун олинган қийматлар лиганд қийматларини такрорламади ва кристаллографик маълумотлар базасида йўқлигини кўрсатди (6-расм).




7-расм. H_2L^5 лиганд (а) ва $NiL^5 \cdot NH_3$ комплекс (б) рентгенограммалари.

Биз синтез қилган комплекслар икки қарра комплекс бўлиб, таркибида бир вақтнинг ўзида 2 та биометалл: сэндовичдаги темир атоми ва координацион қуршовдаги Ni(II), Cu(II) ёки Zn(II) металларида бирини сақлайди. Биз баъзи бир синтез қилган комплексларнинг биологик фаоллигини аниқлаш мақсадида дастлабки скринингни ўтказдик. Тадқиқотлар 2018-2020 йилларда Бухоро шаҳар “Наврўз Ҳамза” фермер хўжалиги далаларида ўтказилди. Бухоро-8 навли пахта чигитларини экишдан олдин ФК-1 ($NiL^5 \cdot NH_3$), ФК-2 ($ZnL^6 \cdot NH_3$), ФК-3 ($CuL^7 \cdot NH_3$) препаратларнинг 0,005% ли эритмалари билан ишлов бердик. Фенологик кузатувлар натижасида назорат ва П-4 эталонга нисбатан препарат билан ишлов берилган майдондаги чигит унувчанлиги ўртача 9,1-12,78% га ошгани, кўсақлар очилиши 3,50-5,6% га тезлашганлиги, ҳосилдорликнинг 2,34-3,96 ц/га ва ўсимликнинг вильтга чидамлилиги 5,4-11% га ортганлиги қайд этилди.



8-расм. Ғўза ҳосилдорлиги кўрсаткичлари.



9-расм. Ғўзанинг вильт билан касалланиш кўрсаткичлари.

Тажриба натижалари ўсимлик иммунитетини мустаҳкамловчи, чигитнинг унувчанлигини, ғўза ўсимлигининг ўсишини тезлаштирувчи, маҳсулот сифатини яхшиловчи ва фузариоз вильт касалликларидан ҳимояловчи тирик организмлар учун хавфсиз препаратлар яратишга имкон берди.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор ферроценнинг моно-, β -дикарбонил ҳосилалари гидразид ва дигидразидлар билан конденсатланиш реакциялари асосида турли таутомер шакллардаги 12 та янги органик би-, три- ҳамда бис-тридентат лигандлар олиш усуллари ишлаб чиқилди.

2. Олинган лигандлар билан Cu(II) , Ni(II) ва Zn(II) ацетатлари 2:1, 1:1 ва 1:2 моль нисбатда ўзаро таъсирлашуvidан 36 та моно-, гомобиядроли комплекс бирикмалар синтез қилинди. Лигандлар ва комплекс бирикмаларнинг таркиби ҳамда тузилиши элемент, рентгенфазавий ва дифференциал-термик таҳлиллар, ЭЮ-, ИҚ-, ^1H ва ^{13}C ЯМР спектроскопия усуллари билан аниқланди.

3. Ферроценнинг моно- ва β -дикарбонил ҳосилалари асосида янги олинган бирикмаларининг оптик хоссалари ЭЮС ёрдамида ўрганилди. Олинган маълумотлар асосида оптик таъқиқланган соҳа кенлиги 1,39-2,26 эВ оралиғида бўлиши ва улар тор соҳали яримўтказгичлар (d- π типидagi хромофорлар) синфига кириши аниқланди.

4. Синтез қилинган комплекс бирикмалар термик барқарорлиги уларнинг кристалл ва молекуляр структурасига боғлиқлиги ва $\text{Ni(II)} < \text{Zn(II)} < \text{Cu(II)}$ қаторда ортиб бориши, синтез қилинган моддалар термик деструкция маҳсулотлари аниқланди. Комплекс бирикмаларнинг лигандларга нисбатан термик жиҳатдан барқарорлиги исботланди.

5. Ферроценоилацетон гидразонлари асосида олинган Cu(II) , Ni(II) , Zn(II) ва Fe(II) каби микроэлементларни тутган препаратлар ғўза ўсимлиги учун стимулятор сифатида қўллаш тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.К.72.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

СУЛАЙМОНОВА ЗИЛОЛА АБДУРАХМОНОВНА

**СИНТЕЗ КОМПЛЕКСНЫХ СОЕДИНЕНИЙ НА ОСНОВЕ
ПРОИЗВОДНЫХ ФЕРРОЦЕНА И ИХ СВОЙСТВА**

02.00.01 – Неорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.3.PhD/К307.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.buxdu.uz на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель

Умаров Бако Бафоевич
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кадилова Зухра Чингизовна
доктор химических наук, доцент

Хусенов Кахрамон Шайимович
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «9» апреля 2022 г. в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.хх.хх.2022.К.72.01 при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200117, Бухара, ул. М Икбол 11, БухГУ, Тел.: (+99865) 221-29-14, факс: (+99865) 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета за № 121 с которой можно ознакомиться в ИРЦ (200117, Бухара, Библиотека БухГУ Тел.: ((+99865) 221-29-14).

Автореферат диссертации разослан «25» 03 2022 г.
(реестр протокола рассылки № 4 от «25» 03 2022 г.)



Х.Б. Дустов
Председатель Научного совета по
присуждению ученой степени, д.х.н.,
профессор



К.Г. Авезов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученой степени, PhD,
доцент

М.Р. Амонов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире продолжает бурно развиваться химия ферроцена. Широкая область применения производных ферроцена зависит от их свойств. Приобретает важное значение производство на основе производных ферроцена хемо- и биосенсоров, редокс-активных ДНК-маркеров, редокс-меток, “умных стекол”, “умных часов”, конструкционных материалов магнитной и оперативной памяти, материалов жидко-кристаллическими свойствами, турникетов, молекулярных магнетиков, солнечных батарей, в медицине: противораковых, противомикробных и противоанемийных средств, электрохимических глюкометров, жидко-кристаллических индикаторов и др.

В мире последние годы проводятся исследования по изучению синтеза и строения новых комплексных соединений на основе гидразонов карбоновых кислот ферроцена и их применению на практике. Особое внимание уделяется целенаправленному синтезу новых комплексных соединений, содержащих такие биометаллы, как медь, железо, никель и цинк, которые ускоряют рост растений и повышают продуктивность.

В нашей Республике, на сегодняшний день в сфере сельского хозяйства достигаются определенные научные успехи в создании и внедрении новых видов эффективной, импортозамещающей, недорогой продукции на основе местного сырья. В стратегии действий¹ по развития Республики Узбекистан «Дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода его на качественно новый уровень, направленного на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов», «Освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий» и «Углубление структурных реформ и динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции» определены как важные задачи. В связи с этим приобретает важное значение разработка стимуляторов урожайности сельскохозяйственных культур, синтез комплексных соединений многих металлов с органическими лигандами, определение их строения, электронной структуры, реакционной способности, физико-химических свойств и биологической активности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», в Указе УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 7 февраля 2017 года.

2017-2021 годах» и Поста-новлении ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техно-логий Республики Узбекистан VII. Химия, химическая технология и нанотехнология.

Степень изученности проблемы. Ведущие ученые мира проводят исследования по синтезу, изучению состава, строения, реакционной и биологической активности ферроценсодержащих комплексных соединений.

За рубежом это направление представлено такими ведущими учеными, как Moriuchi T., Hirao T., Miller S.A., Tebboth J.A., Tremaine J.F., Ochi Y., Suzuki M., Imaoka T., Murata M., Nishihara H., Einaga Y., Yamamoto K., Sudhir S., Kumar N., Chandrasekaran S., Abd-Elzaher M.M., Chohan Z.H., Praveen M., Valaa H. Mahmud, Nesema F. Mahmood, Gehad G. Mohamed., Lee S.M., Cheung K.K., Wong W.T. и другими известными химиками.

Ряд ученых СНГ внесли достойный вклад в развитии химии координационных соединений ферроцена. На сегодняшний день собрано огромное количество информации по синтезу комплексных соединений на основе производных ферроцена. В этом направлении заслуживает особого внимания исследования таких российских ученых, как Несмеянов А.Н., Несмеянов Н.А., Кочеткова Н.С., Перевалова Э.Г., Вильчевская В.Д., Снегур Л.В., Коган В.А., Зеленцов В.В., Яблоков Ю.В., Ракитин Ю.В., Новоторцев В.В. и других.

